

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2021.Tar.26.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ОЛТИБОЕВ АЛИШЕР МЕЙЛИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАЛАРИНИНГ
ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР СОҲАЛАРДАГИ
ҲАМКОРЛИГИ (1991-2020 йиллар мисолида)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Олтибоев Алишер Мейлиевич

Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаларининг иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиги (1991-2020 йиллар мисолида)3

Олтибоев Алишер Мейлиевич

Сотрудничество Республики Узбекистан и Казахстана в экономической, культурно-гуманитарной сферах (на примере 1991-2020 гг.) 26

Oltiboev Alisher Meyliyevich

Cooperation between Uzbekistan and the Republic of Kazakhstan in the economic, cultural and humanitarian spheres (on the example of 1991-2020)..... 48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 52

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2021.Tar.26.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ОЛТИБОЕВ АЛИШЕР МЕЙЛИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАЛАРИНИНГ
ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР СОҲАЛАРДАГИ
ҲАМКОРЛИГИ (1991-2020 йиллар мисолида)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Tar543 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-tarix.tdpu.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нуриддинов Эркин Зухриддинович
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маҳкамova Нодира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор

Абдимўминов Ойбек Бектемирович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2021.Tar.26.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй.) Тел.: (99871) 276-76-51; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-76-51; факс: (99871) 276-76-51.

Диссертация автореферати 2022 йил «__»_____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги ___-рақамли реестр баённомаси).

А.К.Киргизбаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор

С.Б.Тиллабаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
т.ф.н.

Н.Х.Обломуродов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнлари мамлакат ва халқларнинг ўзаро яқинлашувига замин яратмоқда. Халқаро ташкилотлар томонидан илгари сурилган концепцияларда турли халқларни ўзаро яқинлаштириш, улар ўртасида иқтисодий-маданий яқинликни кучайтириш ҳамда алоқаларни янги даражага кўтариш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Шу жиҳатдан бугунги кунда Марказий Осиёдаги азалдан қон-қариндош бўлган, урф-одатлари ва эътиқоди бир-бирига яқин ҳисобланган халқларни янада яқинлаштириш, улар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур ҳолат дунё халқларини, жумладан Марказий Осиё давлатларини иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро ҳамкорлиги, унинг тарихий тажрибасини ўрганиш ва уни амалий жиҳатдан ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Дунё миқёсида халқларнинг, айниқса қўшни давлатларнинг тенг ҳуқуқли алоқаларининг ўрнатилиш тарихи, олиб борилаётган муносабатларнинг ҳуқуқий асосларининг яратилиши, миграция жараёнлари, аҳоли турмуш тарзидаги ўзгаришларнинг тарихий тажрибаси каби тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, давлатлар ўртасидаги иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик, савдо-сотик, товар айирбошлаш, туризмнинг ривожланиши, замонавий логистик тизимларнинг шакллантирилиши, фан-маданият соҳасидаги ҳамкорлик ва унинг истиқболлари, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси, санъат соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар ва уларнинг натижалари билан боғлиқ илмий-амалий тадқиқотлар назарий ва амалий жиҳатдан долзарбдир.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар нафақат минтақада, балки жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари билан ҳам икки ва кўп томонлама алоқаларни олиб борилишига замин яратди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳукумати томонидан янги таҳрирдаги мамлакат ташқи сиёсатининг стратегияси ва тамойилларининг ишлаб чиқилиши Марказий Осиё давлатлари билан олиб борилаётган алоқалар ривожига муҳим ўрин тутди. Хусусан, қўшни Қозоғистон Республикаси билан ўрнатилган ўзаро муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Зеро, “Биз учун Қозоғистон замонлар ва ҳаёт синовидан ўтган, кўп асрлик дўстлик ва қардошлиқ ришталари билан чамбарчас боғланган яқин қўшнимиз...”¹. Дарҳақиқат, мазкур жараёнда икки давлат ҳамкорлигини тарихийлик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ҳамда унинг тарихий тажрибасини ўрганиш ҳозирги пайтда тарих фани олдида асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти концепцияси тўғрисида” Қонуни,

¹ Мирзиёев Ш. М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 355.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 5 апрелдаги ПФ–5400-сон “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг Масъулиятини кучайтириш чора тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида” фармонлари, 2016 йил 18 июлдаги ПҚ-2563-сон “Ўзбекистон тарихи соҳасидаги тадқиқотларни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори, ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон тарихи фанининг энг янги даври, хусусан, ташқи сиёсати тарихини турли аспектларда ўрганиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Мазкур йўналишдаги тадқиқотлар акс этган адабиётларни тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этишда уларни икки гуруҳга: маҳаллий олимларнинг тадқиқот ишлари ҳамда хорижлик муаллифлари томонидан чоп этилган тадқиқотларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи гуруҳга кирувчи муаллифлар томонидан мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг шаклланиши, жаҳон мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама ҳамкорлик муносабатлари ўрганилган. Буларга Э.Нуриддинов, А.Қирғизбоев, М.Рахимов, Л.Бабаходжаева, Р.Алимов, Н.Зиямов, Ч.Кўчаров, Ш.Арифханов, С.Атаджанова, Х.Низомов, Н.Ғофуров, Ф.Исматуллаев, Д.Сайфуллаев, О.Абдимўминов, Ғ.Мирзаев² каби муаллифларнинг изланишларини киритиш

² Нуриддинов Э.З. Становление и приоритетные направления внешней политики Республики Узбекистан. // Ўзбекистон тарихи. – Т.: 2002 - №4. – Б. 3-13; Нуриддинов Э.З. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. – Ташкент: Чулпон, 2002. – 216 с.; Нуриддинов Э.З. Республика Узбекистан и современные вызовы Центральной Азии. // Общественные науки в Узбекистане. 2015. – № 4. – С. 6-13.; Нуриддинов Э.З. Становление и дальнейшее развитие на этапе обновления страны внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан. – Ташкент: “Innovatsiya-Ziyo” 2021. – 396 с.; Қирғизбоев А.К. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги. – Тошкент: Фан, 2004. – 280 б.; Рахимов М.А. Сотрудничество Узбекистана с зарубежными странами и международными организациями в обеспечении стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии (1991-2010 годы): Автореф. дис... докт. истор. наук – Т.: 2012. – 50 с.; Рахимов М.А. Международные отношения Республики Узбекистан в условиях трансформации мировой системы // O‘zbekiston tarixi. – 2011. – № 2. – С. 58-67.; Рахимов М.А. Образование МИД Узбекистана и характер его деятельности в рамках советской политической системы // O‘zbekiston tarixi. – 2013. – № 2. – С. 53-62.; Бабаходжаева Л. Международное культурно-гуманитарное сотрудничество Республики Узбекистан (период независимости). 2-е изд., перераб. и доп. – Тошкент: Фан. 2011. – 218 с.; Алимов Р.М. Центральная Азия: концептуальный анализ // Общественные науки в Узбекистане. – 2004. – № 4. – С. 3-16.; .;

мумкин. Бирок, муस्ताқиллик йилларидаги Ўзбекистон – Қозоғистон ҳамкорлик алоқаларининг айрим жиҳатларига эътибор қаратилсада, аммо бугунги кунга қадар алоҳида диссертация сифатида илмий тадқиқот иши олиб борилмаган.

Иккинчи гуруҳга таалуқли тадқиқотлар хорижлик муаллифларни ташкил этиб, уларни биз шартли равишда икки йўналишга ажратдик. Биринчи йўналишга МДХ мамлакатлари тадқиқотчиларининг илмий ишларини киритиш мумкин. Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ҳамкорлиги масалалари асосан, Марказий Осиё минтақаси мавзуси доирасида А.Казанцев, С.Николаев, Е.Троицкий, О.Бояркина, М.Лаумулин, Р.Жумали, Т.Токаев, В.Богатырев, Г.Курбанбаева, Е.Вязгина³ каби олимлар ўз тадқиқотларида атрофлича

Ўша муаллиф. Центральная Азия: Общность интересов. – Ташкент: «Шарк» 2005. – 36-41с.; Ўша муаллиф. Проблемы формирования новой среды безопасности в Центральной Азии: взгляд из Узбекистана // Центральная Азия а XXI веке: сотрудничество, партнерство и диалог. Материалы международной конференции. 13-15 мая, 2003. – Ташкент. «Шарк» 2004. 32-44 с.; Зиямов Н.Ш. Роль Узбекистана в развитии межгосударственного экономического и культурного сотрудничества стран Центральной Азии (1991-2001 гг.): Автореф. дис... канд. ист. наук. – Т.: 2001. – 26 с.; Ўша муаллиф, Некоторые аспекты культурного сотрудничества стран Центральной Азии // Ўзбекистон тарихи. – 2002. – №4. – Б. 69-73.; Кўчаров Ч. Экономические связи Республики Узбекистан со странами Азии (1985-1995 гг): Автореф. дис...канд. ист. наук. – Т.: 1997. – 27 с.; Ўша муаллиф. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараён муаммолари (геосиёсий таҳлил тажрибаси) – Тошкент: Фан. 2007. – 200 б.; Арифханов Ш. Центральная Азия: настоящее и будущее. Геополитика, геоэкономика, безопасность. – Ташкент. Extremum Press. 2012. – 250 с.; Атаджанова С.М. Научно – техническое и культурное сотрудничество Республики Узбекистан с Казахстаном и Кыргызстаном (1991-2001 гг.): Автореф. дис...канд. ист. наук. – Т.: 2009. – 30 с.; Низомов Х. Муस्ताқиллик йилларида Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари ўртасидаги маданий алоқалар (1991 – 2007 йиллар): Тарих фан. ном.... дисс. автореф. – Т.: ЎзМУ, 2010. – 28 б.; Гофуров Н.О. Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикаси билан иқтисодий, илмий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлиги (1991 – 2001 йиллар): Тарих фан. ном.... дисс. автореф. – Т.: ЎзМУ, 2011. – 29 б.; Исмагуллаев Ф.О. Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлигининг ўрнатилиши ва ривожланиши (1991-2005 йиллар): Тарих фан номзоди... дисс. Автореф. – Т.: ЎзМУ, 2011. – 28 б.; Сайфуллаев Д.Б. Муस्ताқиллик даврида Ўзбекистон дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиши: Тарих фан. бўйича фалс. док. (PhD) Автореф. – Т.: ЎзМУ, 2017. – 50 б.; Абдимуминов О.Б. Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан муносабатлари тарихи. Тарих фан. бўйича фалс. док. (PhD) Автореф. – Т.: 2018. 54 б.; Мирзаев Ғ.Р. Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ҳамкорлик алоқаларининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи: Тарих фан. бўйича фалс. Док. (PhD) Автореф. – Т.: 2018. 52 б.

³ Казанцев А.А. Взаимосвязь глобальных и региональных политических процессов (на примере Центральной Азии): Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора политических наук – Москва.: 2011. – 58 с.[Электронный ресурс]. Режим доступа: URL:<http://www.autoref-vzaimosvyaz-globalnykh-i-regionalnykh-politicheskikh-protsessov-na-primere-tsentralnoi-azii.pdf> (дата обращения 25.04.2020).; Николаев С.А. Центральная Азия в системе международных отношений на современном этапе: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата политических наук –Москва.: 2011. – 24 с. [Электронный ресурс]. Режим доступа: URL:<http://www.autoref-tsentralnaya-aziya-v-sisteme-mezhdunarodnykh-otnoshenii-na-sovremennom-etape.pdf> (дата обращения 25.04.2020).; Троицкий Е.Ф. Центральная Азия в системе международных отношений (1992 - 2009 гг.): Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. – Томск.: 2010. – 40 с.[Электронный ресурс]. Режим доступа: URL:<http://www.autoref-tsentralnaya-aziya-v-sisteme-mezhdunarodnykh-otnoshenii-1992-2009-gg.pdf> (дата обращения 25.04.2020).; Бояркина О.А. Проблемы и перспективы урегулирования международных конфликтов в сфере водопользования в центральноазиатском регионе: Автореферат на соискание ученой степени кандидата политических наук –Москва.: 2015. – 24 с.[Электронный ресурс]. Режим доступа: URL:<http://www.autoref-problemy-i-perspektivy-uregulirovaniya-mezhdunarodnykh-konfliktov-v-sfere-vodopolzovaniya-v.pdf> (дата обращения 25.04.2020). Жумали Р. Геополитика Центральной Азии. – Алматы: 2006. 515 с.; Лаумулин М.Т. Центральная Азия в зарубежной политологии и мировой геополитике. Том I: Центральная Азия и Казахстан в современной политологии. – Алматы: 2005. 704 с; Токаев Т.К. Стратегия Республики Казахстан в отношении Запада (национальные интересы, приоритеты, направления): Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата политических наук – Москва.: 2009. – 24 с.[Электронный ресурс]. Режим доступа: URL:<http://www.autoref-strategiya-respubliki-kazakhstan-v-otnoshenii-zapada-natsionalnye-interesy-prioritety-naprav.pdf> (дата обращения 25.04.2020). Курбанбаева Г. Концептуальные основы экономической интеграции стран Центральной Азии. // Центральная Азия и Кавказ. – 2004. – №5. – С. 175-179.; Богатырев В. Оценка транснациональных угроз региональной безопасности // Центральной Азии а

тўхталиб ўтган бўлсада, айнан Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ҳамкорлиги муаммоси тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган. Иккинчи йўналишни узоқ хорижлик муаллифлар тадқиқотлари ташкил этиб, бунга бир қатор муаллифлар З.Бжезинский, С.Хантингтон ва Г.Киссинджерларни ишларини киритиш мумкин⁴. Шунингдек, Р.Менон, Р.Помфрет, Каан Диярбакр ўғли⁵ кабиларнинг илмий мақолаларида Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ҳамкорлигини йўлга қўйилиши зарурияти ҳамда икки давлат ташқи сиёсатига Россия, Хитой ва АҚШ каби давлатларнинг таъсири таҳлил этилган.

Умуман олганда, Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаларининг кўп томонлама ҳамкорлиги таҳлили шунингдек, илмий журналларда ҳам ўз аксини топган бўлсада, аммо Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатларига кам эътибор қаратилган.

Юқорида қайд этилган ишларнинг илмий қийматини инкор этмаган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ҳамкорлигига доир материаллар ва маълумотларни ўрганиш жараёнида эришилган натижалар ҳамда илмий таҳлиллар шуни кўрсатадики, уларда ҳозиргача ушбу масала алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-30 рақамли “Миллий тимсоллар ва рамзлар энциклопедиясини нашрга тайёрлаш” номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2015-2018 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади 1991-2020 йилларда Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасидаги ўзаро иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари тарихини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ҳамкорлиги ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва мустаҳкамланиб бориши жараёнини таҳлил этиш;

Ўзбекистон – Қозоғистоннинг Марказий Осиё минтақасининг етакчи давлатлари сифатидаги ўрнини ёритиш;

икки давлатнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлиги билан боғлиқ масалаларни очиб бериш;

XXI веке: сотрудничество, партнерство и диалог. Материалы международной конференции. 13-15 мая 2003. – Ташкент. «Шарк» 2004. 17-23 с. Вязгина Е.А. Идея «Большой Центральной Азии» во внешнеполитических дискуссиях в США (2004-2008). // Вестник Московского университета. Серия 8. История. – 2010. – №4. – С. 101-116.

⁴ Бжезинский Зб. Великая шахматная доска. Господство Америки и его геостратегические императивы. – М.: АСТ. 2015. – 702 с.; Киссинджер Г. Рецепт хаоса // США – ЭПИ. – 1994. – № 1. – С. 77-79. Ўша муаллиф. Дипломатия. М., Ладомир, 1997. – 848 с.

⁵ Rajan Menon. Central Asia's foreign policy and security challenges: implications for the United States. // <https://www.files.ethz.ch/isn/144608/vol6no4.pdf> Электрон ресурс; Kaan Diyarbakirli oğlu, Süreyya Yiğit. Kazakh Multi Vector Foreign Policy in Action. Alternatives Turkish journal of international relations. <https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/19351>. Pomfret, Richard (2005). Kazakhstan's Economy since Independence: Does the Oil Boom Offer a Second Chance for Sustainable Development? Europe - Asia Studies, 57:6, pp 859-876 (<http://dx.doi.org/10.1080/09668130500199467>).

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг транспорт коммуникация соҳасидаги ҳолати ва ҳамкорлиги ролини асослаб ўтиш;

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг маданият соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини “халқ дипломатияси” кўринишида икки давлатнинг ўзаро муносабатларини янада ривожланишига кўшаётган ҳиссасини ёритиш;

икки давлатнинг ўртасидаги таълим, илм-фан ва туризм соҳаларида алоқалар йўлга қўйилганлиги ва мустаҳкамланганлиги ҳамда уларнинг ҳамкорликдаги ўрнини кўрсатиб ўтиш;

тадқиқот натижалари асосида якуний хулосалар чиқариш ҳамда илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон Республикаси билан ҳамкорлик алоқалари тарихи белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаларининг минтақавий муаммоларни бартараф этиш, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалар бўйича ўзаро ҳамкорлик жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик тамойили, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш ва тизимли-хронологик таҳлил каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасидаги ўзаро иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатлар кўшни давлатлар орасида биринчилардан бўлиб “абдий дўстлик” ва “стратегик шерикчилик” даражасига кўтарилганлиги ҳамда икки мамлакатнинг 2017 йил март ойида “Стратегик шерикчиликни янада чуқурлаштириш ва аҳил қўшничиликни мустаҳкамлаш тўғрисида” қўшма декларация келишуви орқали янги босқичга олиб чиқилганлиги исботланган;

икки мамлакатнинг ҳамкорлик алоқалари “Ягона иқтисодий макон барпо этиш”, “Ядро қуролидан холи худудни яратиш”, “Маслаҳат учрашуви” каби ташаббуслар доирасида амалга оширилаётганлиги ва бу Марказий Осиёда хафсизлик, тинчлик, барқарор ривожланишни таъминлашга, терроризм, диний экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашда ўз самарасини берётганлиги асослаб берилган.

Марказий Осиё минтақасида мавжуд бўлган муаммоли масалалар хусусан, иқтисодий ҳамкорлик алоқалари динамикасининг ўзгарувчанлик сабаблари Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари мисолида таҳлил қилинган ҳамда божхона тўловларини бекор қилиш, валюта алмаштириш пунктлари, клиринг палаталари ва уларнинг филиалларини очиш, ички бозорни бирламчи эҳтиёж маҳсулотлари билан тўлдириш каби масалалар дастлабки чоралар сифатида кўрилганлиги далилланган.

Ўзбекистонда Абай Қўнонбоев, Қозоғистонда Алишер Навоий ижодий меросини ўрганиш, ўзбек ва қозоқ халқлари бирдамлиги учун хизмат қилган адибларнинг асарларини нашр эттириш, таълим, илм-фан, туризмни ривожлантиришда “Таълим кунлари”, “Мега-инфо-турлар”, “Роад-шоу”,

“WorkShop – Ипак йўлидаги туризм”, “Қозоғистон-Ўзбекистон: Буюк дашт – анъанавий меҳмондўстлик” каби тадбирлар нафақат давлат дастурлари, балки халқ дипломатияси доирасида ҳам амалга оширилганлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўзаро ҳамкорлик тарихини ёритишда уларнинг ўзаро алоқалари тарихи кўриб чиқилиб, тўпланган маълумотлар асосида Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганиш ва ўқитишда минтақадаги давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик масалаларини чуқур ва кенг жиҳатдан ёритиш кераклиги кўрсатиб берилди;

икки давлат халқларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлашда иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларнинг янада ривожлантириш, дўстлик жамиятлари фаолиятини янада кучайтириш ҳамда маданий тадбирларни кенг миқёсда ташкил этишда фойдаланилди;

таълим тизимида дипломатия тарихи, халқаро муносабатлар тарихи, Марказий Осиё давлатлари тарихи ва дипломатияси, Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўзаро муносабатлари тарихи бўйича махсус курс ташкил қилишда тадқиқот материалари жалб қилинди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги бугунги кунда Ўзбекистон тарихи фанининг эътироф этилган ёндашув ва усуллари қўлланилганлиги, Ўзбекистон Миллий архиви манбаларига, давлат статистика қўмитасининг маълумотларига ва тегишли ташкилотларнинг жорий архив материаллари каби бирламчи манбаларга асосланганлиги, тегишли хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларни ваколатли идоралар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий, иқтисодий ва маданий фаолиятининг олиб боровчи давлат идоралари томонидан истиқболли дастурларини ишлаб чиқиш, ушбу муаммога доир методологик-услубий ёндашувлар ҳамда назарий хулосаларни мукамал қилиб тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ташқи сиёсати ва ҳамкорлик алоқалари тарихини тадқиқ этишга, шунингдек, мавзуга доир дарслик, ўқув қўлланма, монография ва маъруза матнлари, хрестоматиялар тайёрлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳамкорлик алоқалари ва унинг ривожланиш тарихи ҳамда унга оид ишлаб чиқилган илмий таҳлил натижалари ва амалий таклифлардан:

Марказий Осиёдаги азалдан қон-қардош бўлган, урф-одатлари ва эътиқоди бир-бирига яқин ҳисобланган халқларни ўзаро аҳил кўшничилик ва дўстона муносабатлари, уларнинг миллий ва диний қадриятлари, турмуш тарзи ва анъаналари тарихан бир бўлганлиги, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг йўлга қўйилишида миллий, диний ва ҳудудий муштараклик омили халқлар ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилганлиги ва ўзаро муносабатларининг узоқ тарихга эга эканлигига оид маълумотлар Ўзбекистон

қозоқ миллий-маданий маркази ва “Ўзбекистон – Қозоғистон” дўстлик жамиятининг фаолиятида фойдаланилган (2017-2020 йй.). (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2021 йил 13 январдаги 14-07-57 сон маълумотномаси). Олинган натижалар ушбу марказ ва жамият фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда уларни ривожлантиришга, давлат дастурларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда хизмат қилган;

мамлакатлараро маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик, хусусан илм-фан ва таълим, маданият ва санъат йўналишидаги амалга оширилаётган ишлар, лойиҳалар ва уларнинг натижалари билан боғлиқ илмий-амалий тадқиқотлар, аҳоли турмуш тарзидаги ўзгаришлар ва улардаги трансформацион жараёнлар тўғрисидаги материаллар ўзбек-қозоқ халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантиришда Республика Маънавият ва маърифат маркази фаолиятига татбиқ этилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 23 февралдаги 02/07-209 сон маълумотномаси). Олинган натижалар икки давлат ва халқларнинг ҳамкорлик алоқалари тарихини ўрганиш, ўзаро алоқалар бўйича илмий билимларни ривожлантиришга хизмат қилган;

давлатлар ўртасидаги иқтисодий, савдо-сотик, товар айирбошлаш, замонавий логистик тизимларнинг шакллантирилиши, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришда “Буюк Ипак йўли” ғояси асосида икки давлат алоқаларидан минтақа ва жаҳон миқёсидаги ягона туристик йўналишни йўлга қўйиш ҳамда “Бир макон – бир йўл” халқаро лойиҳасини ривожлантириш орқали иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликда катта ютуқларга эришиш имкониятлари бўйича маълумотлар Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Такдимот” кўрсатуви сценарийсини тузиш ва тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали” ДУК қошидаги “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг 2022 йил 19 июлдаги 784-62-74 сон маълумотномаси). Ушбу натижалар кенг халқ оммасини Ўзбекистон ва Қозоғистон тарихи, маданияти ва ўзаро ҳамкорлиги ҳамда туризм салоҳиятига доир билимларини янада оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 2 та халқаро конференция ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзусига оид жами 15 та илмий иш эълон қилинган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми: Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 139 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон – Қозоғистон Республикалари ҳамкорлиги ва уларнинг Марказий Осиёдаги нуфузи”** деб номланган биринчи бобда мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари шаклланиши ҳамда бу борада Қозоғистон Республикаси билан ўзаро манфаатли муносабатларнинг йўлга қўйилиши омиллари, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган.

“Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ҳамкорлиги йўлга қўйилишининг шарт-шароитлари ва муносабатларнинг ҳуқуқий асослари” деб номланган биринчи параграфида замонавий босқичдаги халқаро муносабатлар масалалари, шунингдек, ташқи сиёсат тарихини ўрганишнинг йўналишлари ва назарий-методологик ёндашувлари ҳақида мулоҳазалар юритилган.

Замонавий халқаро муносабатлар ҳар қандай давлатнинг ташқи сиёсий манфаатлари, мақсад ва вазифалари, аввало, миллий эҳтиёжлар, кадриятлар билан, уларни халқаро майдонда ҳимоялаш, таъминлаш билан боғлиқ⁶. Ўзбекистон Республикаси ана шу асосда мамлакат ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналишларини ишлаб чиқди ва уларнинг ўзига хос томонларини аниқ ифода этиб берди. Ўзбекистон ташқи сиёсатида Қозоғистон Республикаси билан ҳамкорлиги “стратегик ҳамкорлик сифатида”⁷ эътироф этилганлиги диссертацияда ўз тасдиғини топган ва унга катта аҳамият қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ҳамкорликка оид икки томонлама ҳуқуқий ҳужжатлар ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Таъкидлаб ўтиш лозимки, давлатлар ўртасида шаклланган турли формат ва даражадаги доимий мулоқот майдони, мунтазам равишда икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамланишига хизмат қилиб келмоқда. Чунончи, 1991 йилдан то 2020 йилгача 30 га яқин ўзаро олий даражадаги ташрифлар амалга оширилганлигининг ўзи икки давлат муносабатларининг кўламини ва даражасини кўрсатиб беради.

Марказий Осиё халқларининг аҳил қўшничилик ва дўстона муносабатлари, уларнинг урф-одатлари, анъаналари ҳамда кадриятлари тарихан бирлигида ўз аксини топганлиги таҳлил этилган. Шу билан бирга давлатлар ўртасидаги

⁶ Жўраев С., Аҳмедов О., Раҳимова М. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти: халқаро муносабатлар ва ташқи алоқаларни ташкил қилиш. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2008. – Б.13.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси. 2012 йил 10 сентябрь // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. № 9/1(1437)-сон. 2012. –Б. 13.

муносабатларнинг йўлга қўйилишида диний муштараклик омилининг аҳамияти, хусусан, ислом дини муайян даражада давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланишига ва алоқаларнинг узоқ тарихга бориб тақалишига хизмат қилганлиги диссертацияда ёритилган. Дунё сиёсатининг янги маконига айланган Марказий Осиё ҳамда унинг кейинги тақдири ушбу минтақа етакчи давлатлари – Ўзбекистон ва Қозоғистон сиёсий иродаси билан чамбарчас боғлиқлиги таҳлил этилган.

“Ўзбекистон - Қозоғистон: Марказий Осиё минтақасининг етакчи давлатлари сифатида” деб номланган иккинчи параграфда ҳамкор давлатлар ўртасида сиёсий муносабатларнинг йўлга қўйилиши, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини шаклланиши ва мустаҳкамланиши масалалари таҳлил қилинган.

Ўзбекистон ва Қозоғистон, Марказий Осиё минтақаси масалалари бўйича позициялар ва қарашларнинг ўхшашлигига асосланиб, мустақилликнинг дастлабки босқичида минтақавий интеграция ғоясини илгари сурдилар. Россия Фанлар академияси Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институтининг етакчи илмий ходими С.Жуковнинг фикрига кўра, Марказий Осиё – бу ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан турли кўринишдаги бешта бир-биридан мутлақо фарқ қилувчи давлатлардир. Шу билан бирга бу мамлакатлар бир қанча умумий манфаатларга эга: улар географик жиҳатдан йирик мамлакатлар ўртасида жойлашган – бир томондан Хитой, бошқа томондан эса – Россия; ташқи дунёда уларнинг барчаси Европа билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Шу сабабли ҳам С.Жуков “глобаллашув жараёнида қудратли давлатлар манфаатлари курашида оёқ ости бўлиб қолмасликлари учун Марказий Осиё мамлакатлари ягона умумий позицияни ишлаб чиқишлари керак бўлади”⁸, деб ҳисоблайди.

Давлатлар ўртасидаги элчихоналар даражасида алоқалар ўрнатилганлиги муносабатларни амалий асосда ривожлантиришга бўлган бирдек интилишлари маҳсули ва ўзаро ишончнинг мустаҳкамланиши сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Марказий Осиё давлатларининг интеграциялашувини белгилаб берувчи жиҳатлардан яна бири бу экологик муаммоларнинг ўзаги ҳисобланган Орол денгизи билан боғлиқ масалалардир. Минтақа давлатлари мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ иқтисодий қийинчиликларга қарамай, Орол денгизини сақлаб қолиш, минтақадаги экологик вазиятни барқарорлаштириш йўлида кучларни бирлаштириш, баҳамжиҳат ҳамкорликда фаолият кўрсатиш мумкинлигини тушуниб етдилар. Боиси, Орол денгизини қуриши натижасида юзага келган таҳдид, яъни “... бу хавфнинг таъсири бугунги кунда нафақат қуриб бораётган денгиз атрофидаги минтақалар – Қозоғистоннинг Қизил Ўрда вилояти, Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти, Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятларини, балки бутун Марказий Осиё минтақасини камраб бормоқда”⁹.

⁸ Турғунбоев Ш. Марказий Осиёдаги интеграция жараёнлари: бугунг ва келажак. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – 2009. – №3(47). – Б. 28.

⁹ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-том. Т.: Ўзбекистон, 2008 йил. – Б. 281.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасида кўп томонлама муносабатлар асосан улар аъзо бўлган халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида йўлга қўйилган. Хусусан, МДХ, ШХТ каби минтақавий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик асосида олиб борилган.

Тадқиқотда ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари борасида ўтказилган таҳлиллардан шу нарса аён бўлдики, бугун Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясидаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда Қозоғистон давлати билан ҳамкорлик муносабатларини янги босқичга олиб чиқувчи ҳуқуқий асосларини қайта кўриб чиқиш ва янги шароитлар асосида такомиллаштириш зарурияти мавжудлиги диссертацияда кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаларининг иқтисодий ҳамкорлиги”** деб номланиб, унда томонлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар, инвестициявий ҳамкорлик ва уларни ривожлантириш масалалари тадқиқига бағишланган.

“Икки давлатнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлиги” деб номланган биринчи параграфда тадқиқот даврида республиканинг ушбу давлат билан ўзаро ташқи савдо алоқалари таҳлил қилиб берилган. Маълумки, ўзаро товар айирбошлаш кўлами давлатлараро муносабатларнинг даражасини кўрсатиб берувчи асосий омил ҳисобланади. Шунга кўра, ташқи савдо алоқаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар бирламчи аҳамият касб этади.

Тадқиқот даврида Ўзбекистоннинг Қозоғистон билан савдо-иқтисодий алоқалари турлича кечди. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ Ўзбекистон билан ўзаро савдода Қозоғистон пешқадамлик қилган. Таҳлиллар ушбу мамлакат билан савдо алоқалари босқичма-босқич томонларнинг интилиш ва ташаббуслари асосида ўсиб борганлигини кўрсатди.

Икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни йўлга қўйилиши ва ўзаро манфаатли ривожланиб бориши йўлидаги дастлабки қадам 1991 йил 7 декабрда қўйилди. Шу куни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси ҳукумати ўртасида 1992 йилги савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома имзоланди¹⁰. Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарларининг бўлиб ўтган навбатдаги учрашувлари доирасида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик алоқаларни такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилди ва тегишли шартномалар имзоланди. Аммо мустақилликнинг дастлабки босқичида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар жадал ривож топганлиги кузатилмади. Шунга қарамай, ўзаро товар айирбошлаш жараёнидаги товарлар номенклатурасига эътибор қаратадиган бўлса, Қозоғистон Ўзбекистондан 68 турдаги маҳсулот олиб, 51 турдаги хомашё ва маҳсулот етказиб берганлигига гувоҳ бўламиз¹¹.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик даражасини янада ошириш, экспорт ва импорт маҳсулотлари номенклатурасини кенгайтириш учун янги самарали

¹⁰ Тюриков В., Шоғуломов Р. Истиқлол йилномаси. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. – 512-б.

¹¹ “Халқ сўзи” 1994 йил. 21 май.

чоралар кўриш зарурдек туюлди. Шу муносабат билан, янги қоидалар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ўзаро муносабатлар даражасини оширишда муҳим ўрин эгаллади. Буларга 2006-2008 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг Дастури ва ҳаракатлар режаси ҳамда 2007-2016 йилларга мўлжалланган ҳамкорликни иқтисодий ривожлантириш стратегияси киради. Бу ҳужжатлар-да савдо, сув-энергетика комплекси, сармоя ва молия, транспорт ва алоқа, божхона ва инновациялар соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари кўрсатилган.

Иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги вазият 2000 йиллардан бирмунча ўзгара бошлади. Агар, 2000 йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси 316,4 млн. АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, 2005 йилда - 516,5 млн. АҚШ долларини, 2010 йилда - 1 883,6 млн. АҚШ долларини, 2015 йилда - 2 697,1 млн. АҚШ долларини ташкил этганлигини кўриш мумкин¹². Аммо бу кўрсаткичлар икки мамлакатда мавжуд бўлган кенг имкониятларига жавоб бермас эди.

Ишлатилмаган захираларни ишга тушириш ва янги имкониятлар очиш 2017 йилга тўғри келади. Ўзбекистонда янги раҳбарият - Президент Шавкат Мирзиёев ҳокимият тепасига келиши билан икки мамлакатнинг кўп қиррали ҳамкорлигининг сифат жиҳатдан янги фундаментал асослари йўлга қўйилди. Ўзбекистон раҳбарияти томонидан кўрилган барча чора-тадбирлар асосида савдо-иқтисодий ҳамкорликдаги вазият ижобий маънога эга бўла бошлади. Бунини икки мамлакат ўртасидаги товар айрбошлаш ҳажмининг натижаларида яққол кўриш мумкин. Агар, 2017 йилда бу кўрсаткич 2 055,7 млн. АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, 2020 йилда эса бу кўрсаткич 3 018,5 млн. АҚШ долларини ташкил этган¹³.

Икки мамлакатнинг савдо-иқтисодий алоқаларини янада мустаҳкамлаш йўлида Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудларида доимий равишда ўтказиб келинаётган саноат кўرғазмалари ва ишбилармон доиралари иштирокидаги бизнес-форумлар алоҳида аҳамият касб этди. Масалан, 2016 йил октябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган X Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида Қозоғистоннинг Қизилўрда ва Ақтобе вилоятлари вакиллари иштирок этишган¹⁴. Ўз навбатида, 2017 йилнинг 22-23 март кунлари Қозоғистоннинг Остона шаҳрида Ўзбекистон Миллий саноат кўрғазмасини ва икки мамлакат ишбилармон доиралари иштирокидаги бизнес-форумнинг бўлиб ўтганлиги алоҳида аҳамият касб этди ва унда “Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамияти тизимидаги 25 корхона 70 дан зиёд турдаги маҳсулотлари билан иштирок этди¹⁵.

¹² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг жорий архиви (ЎзР ДСҚ ЖА). 2000 – 2020 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида ташқи савдо айланмаси ҳақида маълумот. 3 – варақ.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг жорий архиви (ЎзР ДСҚ ЖА). 2000 – 2020 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида ташқи савдо айланмаси ҳақида маълумот. 3 – варақ.

¹⁴ Халқ сўзи 2017 йил. 18 март.

¹⁵ Халқ сўзи 2017 йил. 28 март

Икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш жараёнига кўшма корхоналар ҳам ўзларининг катта ҳиссасини кўшмоқда. Бугунги кунда республикада Қозоғистон капитали иштирокидаги 336 та корхона ва 16 та компания ваколатхонаси, Қозоғистон ҳудудида Ўзбекистон ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган 199 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан савдо, транспорт-логистика ва бошқа хизматлар кўрсатилиб, қурилиш материаллари ҳамда кенг турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда¹⁶.

“Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг транспорт коммуникация соҳасидаги ҳолати ва ҳамкорлиги” деб номланган иккинчи параграфда Марказий Осиё давлатлари учун транспорт коммуникация масаласи нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлиги асослаб берилган. Жумладан, Ўзбекистон ва Қозоғистон республикалари географик жиҳатдан денгиз йўлига чиқиш учун икки мамлакат ҳудудини босиб ўтиши керак бўлган дунёдаги кам сонли давлатлардан бири ҳисобланади. Ушбу географик омил эса ўз ўзидан қуруқлик йўллариининг аҳамиятини оширади.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлган транспорт-логистика соҳаси Марказий Осиё мамлакатлари билан конструктив ва ўзаро манфаатли муносабатларни шакллантиришни талаб этди. Шунга биноан, Ўзбекистон транспорт коммуникациялари масалалари бўйича 70 дан ортиқ халқаро конвенция, икки томонлама шартномалар аъзоси сифатида уларни интеграцияси бўйича халқаро дастурларда қатнашмоқда¹⁷.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб Ўзбекистон ҳукумати олдида турган муаммони бартараф этиш мақсадида кўшни мамлакатлар билан биргаликда транспорт коммуникацияси тизимида изчил ҳамкорликни йўлга қўйди. Марказий Осиё минтақасида 1990 йилдан 2000 йилгача бўлган давр мобайнида бир қатор глобал транспорт лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, 1992 йилда Тошкент – Олмаота – Толдиқўрғон – Дўстик – Алашанкоу – Урумчи темир йўли ишга тушди¹⁸, 1994 йил 24 январь куни Қозоғистон ва Қорақалпоғистон пойтахтлари ўртасида мунтазам темир йўл қатнови йўлга қўйилди¹⁹. 1995-2010 йилларга мўлжалланган миллий дастурга асосан, “Тошкент–Андижон–Ўш” магистралининг 100 км.дан ортиқ тоғли участкаларида “Қамчиқ” ва “Резак” туннеллари, “Олма-ота–Бишкек–Тошкент–Термиз” ва “Самарқанд – Бухоро – Ашхобот - Туркманбоши” автомобиль йўли таъмирланди ва шу билан бирга Ўзбекистонни Қозоғистон орқали Россия Федерацияси билан боғлайдиган 340 километрли “Қўнғирот–Бейнов” автомобиль йўли қуриш ишлари амалга оширилди²⁰.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг жорий архиви (ЎЗР ДСҚ ЖА). 2000 – 2020 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида ташқи савдо айланмаси ҳақида маълумот. 5 – варак.

¹⁷ Ўзбекистон темир йўл транспортининг халқаро тизимга интеграцияси. <https://review.uz/uz/post>

¹⁸ Тураева М.О. Транспортная инфраструктура стран Центральной Азии в условиях современной регионализации: Доклад. – М.: Институт экономики РАН, 2014. – 62 с.

¹⁹ Тюриков В., Шоғуломов Р. Истиклол йилномаси. Т.: Ф.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. – 86 б.

²⁰ «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатлар стратегияси: макроиқтисодий барқарорлик, инвестицион фаоллик ва инновацион ривожланиш истикболлари» мавзусидаги Халқаро илмий-амалий анжуман. Илмий маъруза ва мақолалар тўплами II шўъба. 2018 йил 28-29 май. – Б. 184-185.

Мамлакатимизда яхлит темир йўл тармоғини шакллантириш ва чет давлатларга, аввало, Трансафғон темир йўл коридори орқали Ҳинд океани, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари портларига чиқиш, республиканинг транзит ролини кенгайтириш стратегиясига асосан узунлиги 700 километрга яқин “Навоий–Учкудук–Нукус”, “Ғузор–Бойсун Қумқўрғон”, 125 километрлик “Ангрен–Поп” электрлаштирилган темир йўл қурилиши амалга оширилди. 2012 йилнинг ўзида Ўзбекистоннинг Қозоғистон ҳудуди орқали 1.474,6 минг тонна, Қозоғистоннинг Ўзбекистон ҳудуди орқали 3142,9 минг тоннани транзит юк транзит ўтказилди²¹.

Икки мамлакат ўртасида автомобиль ҳамда темир йўллари алоқаларнинг йўлга қўйилгани, минтақалараро муносабатларни мустаҳкамланишига кўмаклашди. 2017 йилнинг март ойида Алмати – Тошкент йўналишидаги темир йўл қатнови тикланди, июнь ойида эса Самарқанддан Остонага янги қатнов йўлга қўйилди. Июль ойида Қозоғистон давлат чегарасида “Оқ олтин - Целинный” ва “Малик – Сирдарё” автомобиль йўли (икки мамлакат ўртасидаги М-39 автомагистрали қисми) ўтказиш пунктлари расмий очилди. Транспорт коммуникациялари савдо-иқтисодий ҳамкорлик билан бирга, сайёҳликни ривожлантиришга ҳам кўмаклашади²².

Тадқиқот шуни кўрсатдики, транспорт соҳаси давлатлараро ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиб, нафақат икки мамлакат ўртасида транспорт-коммуникация алоқаларини мустаҳкамлашга балки, учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўташга хизмат қилмоқда.

“Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаларининг маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиги” деб номланган диссертациянинг учинчи бобида Ўзбекистоннинг Қозоғистон билан кўп қиррали маданият соҳаси, таълим, илм-фан ва туризм йўналишларида амалга оширилаётган кенг қамровли алоқаларга эътибор қаратилган.

Бобнинг биринчи параграфи бўлган “Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг маданият соҳасидаги ҳамкорлиги”да Ўзбекистоннинг ушбу давлатлар билан санъат, кино, театр каби йўналишларидаги ҳамкорлиги, дин умумийлиги ва ушбу омилнинг маданий алоқаларни ривожлантиришдаги роли таҳлил қилинган.

Ўзбекистон ва Қозоғистон маданий ҳамкорлиги изчил ривожланиб боришида икки мамлакат ўртасида имзоланган бир қанча ҳужжатлар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шунга биноан маданият йўналишида икки мамлакат ўртасидаги алоқалар адабиёт, мусиқа ва театр санъати соҳасида, турли фестиваллар, шунингдек, “Маданият кунлари” кўринишидаги мураккаб маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш орқали амалга ошириб келинмоқда.

Маълумки, адабиёт мазмун-моҳияти жиҳатидан халқнинг миллий қадрияти ҳисобланади. Мустақиллик йилларида ўзбек ва қозоқ халқлари адабий

²¹ Анвар Бобоев, Олим Тўракулов, Муштарак олижаноб мақсадлар – мустаҳкам дўстлик асоси. // Халқ сўзи, 2013 йил 15 июнь; Муштарак олижаноб мақсадлар – мустаҳкам дўстлик асоси. // <http://uza.uz>.

²² Ўзбекистон – Қозоғистон ўртасида халқаро аҳамиятга молик йўл очилди. // <https://customs.uz/uz/news/view/2194>.

алоқаларида янги давр бошланди. Ўзбекистонда қозоқ классик адабиёти намоёндалари Абай ва Мухтор Аvezов каби ижодкорларнинг юбилей саналари кенг нишонлаб келинмоқда ҳамда уларнинг асарлари ўзбек тилига таржима қилинмоқда. Масалан, Абай Қунонбоев ижодий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича 2018 йил 13 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус қарори эълон қилинди.

Ўз навбатида Қозоғистонда ўзбек шоирларининг асарларига қизиқиш ниҳоятда юқори. Мисол тариқасида шуни такидлаш мумкинки, Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» қиссаси Абен Сотиболдиев таржимасида, Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» қиссаси ва ҳикоялари Кўбей Сейдахонов таржимасида, Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар», Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романлари, Уйғун, Миртемир, Зулфиянинг шеърий китоблари Қувондиқ Шанғитбоев таржимасида, Носир Ғозиловнинг болалар ҳақидаги ҳикоялари, «Оқим» қиссаси Абен Сотиболдиев, «Айни ёз» қиссаси Купей Сейдахонов таржимасида нашр этилган²³.

Икки мамлакат ўртасида мусиқа санъати йўналишида ҳам алоқалар жадал олиб борилмоқда. Масалан, Қозоғистон санъат усталари Ўзбекистонда ҳар икки йилда бир ўтказилиб келинадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида доимий равишда қатнашиб келишмоқда. Хусусан, 2001 йил 25-30 август кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Шарқ тароналари” III-халқаро мусиқа фестивалида 5 нафар қозоғистонлик санъаткорлар иштирок этиб, қозоқ миллий қўшиқчилик санъатини намоёниш этдилар²⁴.

Икки мамлакатнинг маданий алоқаларини ривожлантиришда театр санъатининг ўрни ҳам беқиёс. Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг машҳур театр жамоалари доимий равишда турли фестивалларда иштирок этиб келмоқдалар. Масалан, Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб 1997 йили февраль ойида ўтказилган “Наврўз” театр санъати фестивалида Қозоғистон Республикасининг Чимкент вилояти Шанин номидаги драма театри иштирок этади²⁵. Ўз навбатида Ўзбек Миллий академик драма театри Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида 2000 йил август ойида ўтказилган Халқаро “Маданият фестивали”да қатнашди²⁶.

Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари ўртасидаги “Маданият кунлари” шаклида тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. 1994 йилнинг 23-27 май кунлари Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси маданият кунлари ўтказилган бўлса, 1995 йил 20-24 май кунлари жавоб тариқасида Қозоғистонда Ўзбекистон Маданият кунлари бўлиб ўтди²⁷.

Ўзбекистон билан Қозоғистон халқлари ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида, 1998 йил 11 ноябрь куни ташкил топган «Ўзбекистон – Қозоғистон» дўстлик жамияти алоҳида аҳамият касб этади^{28, 29}.

²³ Ўзбек-қозоқ адабий алоқалари. – Т.: “Mashhur-press” нашриёти, 2018. – Б. 7.

²⁴ Ўз МА, 7- Ф-М, 1-рўйхат, 724-иш, 60-61-варақлар.

²⁵ Ўз МА, 7- Ф-М, 1-рўйхат, 724-иш, 92-варақ.

²⁶ Ўз МА, 7- Ф-М, 1-рўйхат, 724-иш, 92-варақ.

²⁷ Ўз МА, 7- Ф-М, 1-рўйхат, 724-иш, 95-96-варақлар.

²⁸ <https://interkomitet.uz/mita-a-ida/d-stlik-zhamijatlari/> (Мурожат этилган сана 24.07.2020).

